4. Ишчи гуруҳ (Б.Усмонов)га Ядро физикаси институтининг илмий-техник лойиҳалари, конструкторлик-технологик ишланмалари, жиҳозлари ва бошқа мулкларини инвентаризацияси ҳамда замонавий жиҳозларни Ўзбекистон миллий университетининг Физика факультетида янгидан яратилаётган лабораторияларга ўтказиш жараёнларида вазирлик ва университет мутахассислари иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон миллий университети (Ш. Сирожиддинов)га:

- бир ой муддатда қарорда белгиланган университет фаолиятининг асосий вазифаларини бажарилишини таъминлаш юзасидан «Ўзбекистон миллий университетининг ўқув-услугий, илмий тадқиқот, ўқув илмий адабиёт ва меъёрий таъминот халқаро ҳамкорлик, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, таълим сифатини таъминлаш, маънавий-маърифий, тарбиявий, ахборот-коммуникация технологиялари ва моддий-техник базасини ривожлантириш ишлари борасида фаолиятни такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлар Дастури» ишлаб чиқилиб, университет кенгашида тасдиқлансин;

- жорий йилнинг 20 майига қадар университетнинг янги тузилмасига мувофиқ факультет ва кафедралар тузилмаси ишлаб чиқилсин ва вазирлик билан келишувдан ўтказилган ҳолда тасдиқлансин;

- бир ой муддатда Физика факультети, кафедралар ва лабораторияларга янги раҳбарларни тайинлаш ҳамда профессор-ўқитувчиларни ўтказиш, ишга қабул қилиш тадбирлари ўрнатилган тартибларга мувофиқ амалга оширилсин;

- жорий йилнинг 20 майига қадар университет устави қарор билан белгиланган асосий вазифалар ҳамда тасдиқланган янги ташкилий тузилма билан мувофиқлаштирилган ҳолда қайта ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун вазирликка киритилсин.

6. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Мажидов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова)ларга Ўзбекистон миллий университетининг янгиланган Уставини кўриб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланиши таъминлансин.

7. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукханов)га Ўзбекистон миллий университети билан биргаликда университетнинг янги тузилмасига мувофиқ штат бирликлари, шунингдек, молиявий масалаларни ўрнатилган меъёрлар бўйича кўриб чиқиш ва Молия вазирлиги билан келишиш вазифалари юклатилсин.

8. Вазир ўринбосари М.Иноятов, Ўзбекистон миллий университети (Ш.Сирожиiddинов)га:

- ядро физикаси институтининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Хуросон кўчаси, 1 манзилдаги биносини Ўзбекистон миллий университети балансига ўтказиш жараёнида вазирлик ва университетнинг мутасадди вакиллари иштирокини таъминлаш;
- Ўзбекистон миллий университети балансига ўтказилаётган мазкур бинода университетнинг Физика факультети тегишли лабораторияларини жойлаштириш, кафедра ва ўқув аудиториялари оптимал жойлашувини таъминлаш чораларини кўриш;
- икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт Вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда халқаро илмий конференциялар ва семинарлар ўтказиш учун замонавий инфраструктурани яратиш ва уларни зарурий мультимедия ва коммуникация жиҳозлари билан жиҳозланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадида 1956—1972 йилларда қурилган Ядро физикаси институти объектлари шу билан биргаликда қуйидаги кўрсатилган объектлар:
- 200 ўринли конференц-зал ва 4 та секциявий аудиторияга эга маъмурий бинони;
- 600 ўринли залга эга бинони (собик маданият уйи);
- таклиф қилинадиган илмий ходимлар учун меҳмонхона типидagi 30 ўринли ётоқxonани Капитал реконструкциядан ўтказиш учун бюджет маблағларини кўриб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлаш вазифалари топширилсин.

9. Кадрлар бошқармаси бошлиғи (Д.Усмонов)га:

Университетнинг янгидан ташкил этилган Физика факультети кафедралари ва лабораторияларида раҳбар ва профессор-ўқитувчи кадрларни белгиланган муддатларда шакллантирилиши жараёни назоратга олинсин.

10. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б

М. Иноятов

1-илова

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2016 йил 14-майдаги 192-сон буйруғига

**Ўзбекистон миллий университетининг янги
тузилмасига мувофиқ Физика факультети
кафедраларини шакллантириш ва жойлаштириш бўйича
Ишчи гуруҳ таркиби**

- | | | |
|--------------------------|---|-----------------------------------------------------------------------------|
| 1. М. Иноятов | — | Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. И. Маджидов | — | Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи |
| 3. Д. Усмонов | — | Кадрлар бошқармаси бошлиғи |
| 4. Қ. Куролов | — | Моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи |
| 5. В. Ибодулласев | — | Ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси бошлиғи |
| 6. Ш. Сирождинов | — | Ўзбекистон миллий университети — ректор |
| 7. | — | Ўзбекистон миллий университети — ўқув ишлари бўйича проректори |
| 8. | — | Ўзбекистон миллий университети — илмий ишлари бўйича проректори |
| 9. | — | Ўзбекистон миллий университети — молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректори |
| 10. | — | Ўзбекистон миллий университети — ўқув бўлими бошлиғи |
| 11. | — | Ўзбекистон миллий университети — Кадрлар бўлими бошлиғи |
| 12. Х. Далиев | — | Ўзбекистон миллий университети — Физика факультети декани |



20 ___ йил «13» ___ май ___

№ ПФ-4797

« ___ » ___ 2016 г.

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил
этиш тўғрисида**

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авланийнинг «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак — миллат руҳини йўқотмакдур» деган ҳикматли сўzlари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам қачонки босқинчи ва итилочи кучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий ғуруридан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чанглига тушиб қолган ибтидод даврларида она тилимизнинг ривожланиш имкониятлари чеклаб қўйилган ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз худудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тили катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Махмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лугфий каби илму-фан ва адабиёт намояналарининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жойиз.

Ўзбек адабиёти ва тили XVI—XV асрларда Амир Темур ва те-мурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилиди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини ай-

нан она тилимизда яратиб, унинг шухратини бутун дунёга таран- нум этди.

Захириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Бобо- раҳим Машраб, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адиб ва ал- ломаларимизнинг ижодида она тилимизнинг луғат бойлиги, ба- дийй имкониятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим.

Мустамлака тузумининг тазйиқига қарамасдан, ўз ҳаётини хал- қимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг равнақ топи- шига бағишлаган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абду- рауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуг маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йўлда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зиёли инсонларнинг эл юртимиз доимо ҳурмат билан эслайди.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлик- нинг ворислари сифатида она тилимини асраб авайлаш, уни бо- йитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устивор, узвий да- вом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бу борада 1989 йили юртимизда «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилга- ни ва ушбу ҳуқуқий норма конституциямизда муҳрлаб қўйил- ганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғриси- да»ги қарори, 1993 йилда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алиф- босини жорий тўғрисида»ги қонун, 1995 йили «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бош- қа ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили би- лан бирга мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланишни кафолатлаб келаёт- гани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлан- тириш учун кенг шароит яратилган, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллат- лараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларини, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожига, замоавий илм фан тараққиётида туган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзулардан муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Кўплаб луғат ва комуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда.

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича, илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйич ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор.

Энг аввало она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда биринчи навбатда фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти уннг бугунги ҳолати ва истқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу боради олиб борилаётган илмий ишлар самарадорлигини кўчайтириш, таълим тарбия тизимининг борча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти негизида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда — университет деб юритилади) ташкил этилсин.

Университет таркибида 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультетлари, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёти музейи университет таркибига ўтказилиб, унинг негизида ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айти шу йўналишларда илмий ва ўқув методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университетнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

- ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илми-назарий, фалсафий эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;
- илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;
- талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга мухаббат ва садоқат, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида кенг дунё қарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;
- ўзбек тили ва адабиёти фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз, замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган хиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;
- ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув граматикаларини яратиш, унинг товушлари тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий

асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

- умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларини кенг жорий этиш;
- она тилимизнинг интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий- методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг тадбиқ этиш.

4. Университетни фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун иловага мувофиқ таркибда Республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси (Ш. Мирзиёев)га:

- Университет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш вазифаси топширилсин.
- Ушбу қарорда университетнинг таркибий тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш, университетни белгиланган тартибда давлат рўйҳатидан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, устав ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Университетни жойлаштириш учун тегишли бино билан таъминлаш;
- Университетни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шу мақсадда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг тугатилаётган ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёти институтининг раҳбар ва илмий ходимлари, профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;
- Университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режалари ва дастурлар, ўқув адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш;
- Университет учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган тегишли бинолар, унинг худудидаги майдон ва ҳиёбонларни реконструкция қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш, хусусан, бош лойихачи ва пудрат-

чи ташкилотларини, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан танлаш, қурилиш ва монтаж ишларини лойиҳа-қидирув ишлари билан бир вақтда олиб бориш ва уларнинг белгиланган муддатда молиялаштирилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини 2017 йилнинг 1 августига қадар якунига етказиш билан боғлиқ чора тadbирлар кўзда тутилсин.

5. Университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин ва биринчи курсга қабул кўрсаткичлари бўйича таклифлар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Бадий Академияси бир ой муддатда университетнинг бош биноси олдидаги майдонда улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалинини ўрнатиш бўйича тегишли ташкилотлари билан биргаликда ижодий танлов эълон қилсин қа уни белгиланган тартибда ўтказилсин.

Ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этсин. Университетнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимиз худудига олиб кириладиган компьютер техникаси, махсус асбоб ускуна ва инвентарлар истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озоз қилқинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар Академияси бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирликда қонун қужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадио компанияси, Жаҳон ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фармонни кенг ёртиш тавсия этилсин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилишининг азорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2016 йил «16» май

№ 194

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон фармони
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-4797-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-4797-сон Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон миллий университети (Ш. Сирожиддинов), Тошкент давлат педагогика университети (Ш. Шарипов)га икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-4797-сон Фармонида белгиланган тегишли вазифалар ижроси юзасидан таклифларни вазирликка тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Вазир ўринбосарлари (Б.Усмонов, М.Иноят), Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси (И.Мажидов), Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (М.Комилов), Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов) га бир ой муддатда, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадилан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Б.Усмонов зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Вахобов



Қ А Р О Р И

«13» мая 2016 г.

№ 152

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Об организации деятельности Ташкентского
Государственного университета узбекского языка и
литературы имени Алишера Навои**

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года № УП-4797 «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» и в целях обеспечения эффективной организации деятельности университета, укрепления его высококвалифицированными научно-педагогическими кадрами, создания современной учебной, научной и материально-технической базы, соответствующей современным требованиям и международным стандартам организации учебного процесса Кабинет Министров постановляет:

1. Утвердить:

- организационную структуру Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (далее – Университет) согласно приложению № 1;
- перечень кафедр в разрезе факультетов Университета согласно приложению № 2.

Предоставить право ректору Университета по согласованию с Министерством высшего и среднего специального образования и Министерством финансов Республики Узбекистан вносить, при необходимости, изменения в организационную структуру Университета в пределах установленной численности работников.

Определить, что численность штатных сотрудников и профессорско-преподавательского состава Университета устанавливается в соответствии с действующими штатными нормативами для высших образовательных учреждений.

2. Установить на 2016/2017 учебный год квоты приема по подготовке бакалавров в Ташкентском государственном университете-

те узбекского языка и литературы имени Алишера Навои в количестве 300 человек, в том числе по государственным грантам — 150 и на платно-контрактной основе — 150 человек, согласно приложению № 3.

3. Определить источниками финансирования текущего содержания и деятельности Университета средства, выделяемые из Государственного бюджета Республики Узбекистан, а также средства, поступающие от обучения на платно-контрактной основе, другие источники, не запрещенные законодательством.

4. Образовать аттестационную комиссию для проведения аттестации руководящих работников и научных сотрудников, профессорско-преподавательского состава упраздняемых факультетов узбекской филологии Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека, узбекского языка и литературы Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами, а также Института языка и литературы имени Алишера Навои Академии наук Республики Узбекистан согласно приложению № 4.

5. Принять предложение Академии наук, Министерства финансов, Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан о передаче Государственного музея литературы Академии наук Республики Узбекистан в состав Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои и организацию на его базе Музея узбекского языка и литературы.

6. Министерству высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан совместно с Ташкентским государственным университетом узбекского языка и литературы имени Алишера Навои:

- в месячный срок утвердить в установленном порядке устав Университета;
- в срок до 1 июля 2016 года осуществить комплекс необходимых мер по формированию отделов, факультетов и кафедр Университета, укомплектованию их высококвалифицированными специалистами и профессорско-преподавательскими кадрами в соответствии с утвержденной организационной структурой Университета;
- до 1 августа текущего года обеспечить разработку и оснащение кафедр необходимыми учебными планами и программами, учебно-методическими материалами и пособиями.

7. Министерству финансов Республики Узбекистан внести необходимые изменения в параметры расходов республиканского бюджета Республики Узбекистан на 2016 год, исходя из положений настоящего постановления.

8. Принять предложение хокимията города Ташкента и Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан о размещении Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, улица Укитувчи, дом 103.

9. Государственному комитету Республики Узбекистан по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции, Академии наук, Министерству высшего и среднего специального образования, в месячный срок обеспечить прием-передачу на безвозмездной основе:

- Ташкентскому государственному университету узбекского языка и литературы, без права распоряжения, зданий Ташкентского государственного педагогического университета, расположенных по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, улица Укитувчи, дом 103;
- хокимияту г. Ташкента, без права распоряжения, здания Академии наук Республики Узбекистан, расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 69, с временным, до завершения строительных работ, размещением в нем Музея узбекского языка и литературы.

10. Определить по строительству и реконструкции соответствующих зданий, передаваемых на баланс Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы:

- заказчиком – Инжиниринговую компанию «Служба единого заказчика» при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан;
- генеральной проектной организацией – АО «Ташгипрогор»;
- генеральным подрядчиком – АО «Трест 12».

Разрешить, в порядке исключения, Инжиниринговой компании «Служба единого заказчика» при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан осуществление строительно-монтажных работ на условиях параллельного проектирования с соблюдением установленных градостроительных норм и правил, с обеспечением завершения строительных работ и оснащения к 1 августа 2017 года.

11. Министерству высшего и среднего специального образования, Академии наук Республики Узбекистан совместно с Ми-

нистерством юстиции и другими заинтересованными министерствами и ведомствами внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

12. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на первого заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С. Азимова и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Б.Ю. Ходиева.

Президент Республики Узбекистан


И. КАРИМОВ

г. Ташкент,

13 мая 2016 г., № 152

Приложение № 1
к постановлению Кабинета Министров
от 13 мая 2016 года № 152

Организационная структура Ташкентского государственного
университета узбекского языка и литературы им. А.Навои



Приложение № 2

*к постановлению Кабинета Министров
от 13 мая 2016 года № 152*

Перечень кафедр

1. Факультет узбекской филологии

Кафедра узбекского языкознания

Кафедра истории узбекской литературы и текстологии

Кафедра теории литературы и современного литературного процесса

Кафедра фольклористики и диалектологии

2. Факультет преподавания узбекского языка и литературы

Кафедра методики преподавания узбекского языка

Кафедра методики преподавания узбекской литературы

Кафедра педагогики и психологии

Кафедра информационных и современных педагогических технологий в языкознании

3. Факультет узбекско-английского перевода

Кафедра теории и практики перевода

Кафедра филологии английского языка

Кафедра мировой литературы

4. Межфакультетские общеобразовательные кафедры

Кафедра иностранных языков

Кафедра математики и информационно-коммуникационных технологий

Кафедра физической культуры

Кафедра общественно-гуманитарных дисциплин

Приложение № 3
к постановлению Кабинета Министров
от 13 мая 2016 года № 152

Квоты приёма по подготовке бакалавров
в Ташкентском государственном университете
узбекского языка и литературы им. А.Навои
на 2016/2017 учебный год

Шифр	Направление образования	Квота приёма	в том числе:	
			гранты	контракт
5120100	Филология узбекского языка	80	40	40
5111200	Узбекский язык и литература	120	60	60
5120200	Теория и практика узбекско-английского перевода	100	50	50
	Всего	300	150	150

СОСТАВ

Комиссии по проведению аттестации руководящих работников и научных сотрудников, профессорско-преподавательского состава упраздняемых факультетов узбекской филологии Национального университета Узбекистана, узбекского языка и литературы Ташкентского государственного педагогического университета, Института языка и литературы Академии наук Республики Узбекистан

Азизов У.У.	—	и.о. Государственного советника Президента Республики Узбекистан, председатель комиссии
Ходиев Б.Ю.	—	заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, заместитель председателя комиссии
Вахабов А.В.	—	министр высшего и среднего специального образования
Салихов Ш.И.	—	президент Академии наук
Набиев Д.Х.	—	заместитель Государственного советника Президента Республики Узбекистан (по согласованию)
Ашуров С.Т.	—	заместитель Государственного советника Президента Республики Узбекистан (по согласованию)
Турдиев Д.Р.	—	заместитель министра экономики
Низамов Б.	—	заместитель министра труда
Парпиев О.Р.	—	исполнительный директор Комитета по координации развития науки и технологий
Сирожиддинов Ш.С.	—	ректор Национального университета Узбекистана
Шарипов Ш.С.	—	ректор Ташкентского государственного педагогического университета
Махмудов Н.М.	—	директор Института языка и литературы Академии наук Республики Узбекистан

- по должности* — декан факультета узбекской филологии
Ташкентского государственного
университета узбекского языка и
литературы
- по должности* — декан факультета преподавания узбекского
языка и литературы Ташкентского
государственного университета узбекского
языка и литературы
- по должности* — декан факультета узбекско-английского
перевода Ташкентского государственного
университета узбекского языка и
литературы
- Камилов М.М.** — начальник управления Министерства
высшего и среднего специального
образования
- Опорбоев Б.О.** — главный специалист ИАД Кабинета
Министров по вопросам молодежной
политики, образования, культуры и
спорта, секретарь комиссии

Примечание. При переходе членов комиссии на другую работу в со-
став комиссии включаются лица, вновь назначенные на эту должность.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

2016 йил «20» май

№ 197

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги
152-сон қарори ҳамда қарор ижроси
юзасидан Назорат режа топшириқлари
бажарилишини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги 152-сон қарори ҳамда қарор ижроси юзасидан Назорат режа (07/1-318, 17.05.2016 й.) топшириқлари бажарилишини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги 152-сон қарори ҳамда қарори ижроси юзасидан Назорат режа (07/1-318, 17.05.2016 й.) топшириқлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги 152-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги Ишчи гуруҳлар тузилсин:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг (кейинги ўринларда – Университет деб аталади) тузилмасига мувофиқ факультет ва кафедра шакллантириш ҳамда аудиторияларни белгилаш бўйича 1-Ишчи гуруҳ (1-илова);

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тугатилаётган Ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетларининг талабаларини ва аттестациядан ўтган профессор-ўқитувчилари ҳамда ходимларини, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аттестациядан ўтган ходимларини, шунингдек уларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат адабиёт музейининг тегишли жиҳозларини университетга ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи 2-Ишчи гуруҳ (2-илова).

Ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиб бориш вазир ўринбосарлари М.Иноятов ва Б.Усмоновлар зиммасига юклатилади.

3. 1-Ишчи гуруҳ (М.Иноятов)га:

- жорий йилнинг 1 августига қадар Университетнинг ташкилий тузилмасига мувофиқ факультетлар ва кафедралар ташкил этилиши билан боғлиқ зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш;
- жорий йилнинг 1 августигача бўлган муддатда янгидан ташкил этилган факультет ва кафедраларни юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан шакллантириш;
- Тошкент давлат педагогика университетининг Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Ўқитувчи кўчаси, 103-уй манзилида жойлашган биноларини тасарруф этиш ҳуқуқисиз Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган биносини қурилиш ишлари тугаллангунга қадар, унда Ўзбек тили ва адабиёти музейини жойлаштирган ҳолда, вақтинча Тошкент шаҳри ҳокимлигига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул асосда бериш, қабул қилишни таъминлаш;
- Университет учун қуриладиган ва унинг балансига берилаётган тегишли биноларни реконструкция қилиш бўйича белгиланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси – буюртмачи, «Тошгипрошаҳар» АЖ – бош лойиҳа ташкилоти ва «12-трест» АЖ - бош пудратчилар билан тегишли ишларни амалга ошириш;

- Университетнинг янги ташкил этилаётган факультетлари, кафедралари ва аудиторияларини ўрнатилган тартибларда жиҳозлаш чораларини белгилаш вазифалари юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига 2017 йил 1 августгача қурилиш ишлари ва жиҳозлаш туғалланишини таъминлаган, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бир вақтда лойиҳалаштириш шартларида амалга оширишга истисно тариқасида руҳсат берилганлиги инобатга олинсин.

4. 2-Ишчи гуруҳ; (Б.Усмонов)га:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мутахассислари билан биргаликда талабалари, аттестация ўтган профессор-ўқитувчи ва ходимларини, шунингдек уларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат адабиёт музейининг тегишли жиҳозларни Университетга ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат адабиёт музейини ишланмалари, жиҳозлари ва бошқа мулкни инвентаризациясини ўтказиш жараёнларида вазирлик ва Университет мутахассислари иштирокини таъминлаш;
- оммавий ахборот воситаларида Университетни ташкил этилиши ва вазифалари туғрисида чиқишлар ташкил этиш;
- аттестациядан ўтмаган профессор-ўқитувчи ва ходимлар ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Вазир ўринбосарлари (Б.Усмонов, М.Иноятов), бошқарма бошлиқлари (И.Маджидов, М.Комилов, Қ.Абулнӣёзов, С.Бузрукхонов, Х.Султонов, Қ.Қуролов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Судейманова)ларга Фанлар академияси, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 152-сон қароридан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар туғрисида Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

6. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори (Ш.Сирожиiddинов)га:

- бир ой муддатда Университет факультетлари, кафедралари ва лабораторияларига аттестациядан ўтганлар таркибидан раҳбарларни тайинлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ва ишга қабул қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар комплекси амалга оширилсин;
- жорий йилнинг I августигача университетнинг тегишли бўлинмалари ва кафедралари таълим йўналишлари бўйича зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан ўқув режалар ва дастурлар, ўқув-методик материаллар ва қўлланмалар билан таъминлансин;
- жорий йилнинг 20 майга қадар университет устави қарор билан белгиланган асосий вазифалар ҳамда тасдиқланган ташкилий тузилмага мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун вазирликка киритилсин;
- 2016/2017 ўқув йили учун Университетда бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул ишларини ташкил этиш учун масъул котиб ва қабул комиссияси шакллантирилсин;
- Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбек тили ва адабиёти музейини белгиланган манзилларга жойлаштириш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилсин;
- қарорда белгиланган университет фаолиятининг асосий вазифаларини бажарилишини таъминлаш юзасидан «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ўқув-илмий адабиёт ва меъёрий таъминот, халқаро ҳамкорлик, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, таълим сифатини таъминлаш, маънавий-маърифий, тарбиявий, ахборот-коммуникация технологиялари ва моддий-техник базасини ривожлантириш ишлари борасида фаолиятини такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлар Дастури» ишлаб чиқилиб, университет Кенгашида тасдиқлансин.

Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова)ларга Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Уставини кўриб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

7. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукханов)га Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда университетнинг ташкилий тузилмасига мувофиқ штат бирликлари, шунингдек, молия-

вий масалаларни ўрнатилган меъёрлар буйича кўриб чиқиш ва Молия вазирлиги билан келишиш вазифалари юклатилсин.

8. Кадрлар боищармаси бошлиғи (Д. Усманов)га Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг янгидан ташкил этилган факультетлари, кафедралари ва лабораторияларида раҳбар ва профессор-ўқитувчи кадрларни белгиланган муддатларда шакллантирилиши жараёни назоратга олинсин.

9. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Б.Усмонов зиммасига юклатилсин.

Вазир в.в.б.

М. Иноятов

1-илова

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2016 йил 20-майдаги 197-сон буйруғига*

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университетининг тузилмасига мувофиқ
факультет ва кафедра шакллантириш ҳамда
аудиторияларни белгилаш бўйича
1-ишчи гуруҳ таркиби**

- | | | |
|--------------------|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. М. Ивоятов | — | Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари. |
| 2. И. Маджидов | — | Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи. |
| 3. Д. Усмонов | — | Кадрлар бошқармаси бошлиғи. |
| 4. Қ. Қуролов | — | Моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи. |
| 5. В. Ибодуллаев | — | Ягона буюртмачи хизмати инжениринг компанияси бошлиғи. |
| 6. Ш. Сирожиддинов | — | Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректор. |
| 7. | — | Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректорлари ва деканлари. |
| 8. | — | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёти институти вакиллари. |
| 9. | — | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат адабиёт музейи вакиллари. |

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг тугатилаётган Ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларининг талабаларини ва аттестациядан ўтган профессор-ўқитувчилари ҳамда ходимларини, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аттестациядан ўтган ходимларини, шунингдек уларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат адабиёт музейининг тегишли жиҳозларини университетга ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи 2-Ишчи гуруҳ таркиби

1. **Б. Усмонов** — Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари.
2. **Қ. Абулннёзов** — Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
3. **Н. Рахмонов** — Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бош мутахассиси.
4. **Б. Қодиров** — Моддий-техник таъминот бўлими бош мутахассиси.
5. **Ш. Сирожиддинов** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректор.
6. **Ш. Шарипов** — Тошкент давлат педагогика университети ректори.
7. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вакиллари (келишув асосида).
8. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёти институти вакиллари.
9. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат адабиёт музейи вакиллари.
10. — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректорлари ва факультетлари деканлари.



Қ А Р О Р И

«13» май 2016 г.

№ 153

Тошкент ш. - г.Ташкент

**Тошкент давлат педагогика университети
фаолиятини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармони бажариш юзасидан ва Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизими учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, бунинг учун ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий талаблари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган зарур ўқув ва моддий-техник базасини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг (кейинги ўринларда ТДПУ деб аталади) асосий вазибалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

- республика узлуксиз таълим тизими учун юқори малакали педагог кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;
- тегишли педагогик йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларни, илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқиш, хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ва мамлакат таълим муассасаларининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда илғор педагогика технологияларини синовдан ўтказиш ва жорий этиш;
- идоравий бўйсунушидан қатъи назар, республикада педагог, муҳандис-педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг илмий-педагогик ва ўқув-методик фаолиятини мувофиқлаштириш;

- давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлар, ўқув-методик адабиётларни ҳамда электрон-таълим ресурсларини яратиш ва такомиллаштириш, ўқув жараёнига замонавий педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича педагогик таълим муассасалари фаолиятини илмий-методик таъминлаш;
- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш;
- қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш мақсадида хорижий педагогика олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан шериклик алоқаларини ривожлантириш.

Белгилансинки, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олий таълимнинг педагогика йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида республиканинг базавий олий таълим муассасаси ҳисобланади.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарурат бўлганда, ТДПУнинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ТДПУнинг штатдаги ходимлари сони ва профессор-ўқитувчилар таркиби олий таълим муассасалари учун амалдаги штат нормативларига мувофиқ белгиланади.

3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини қайта жойлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда комиссия ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан биргаликда:

- ТДПУнинг янгиланган уставини бир ой муддатда тасдиқласин;
- 2016 йил 1 августгача бўлган муддатда Университетнинг факультетлари ва кафедраларини шакллантириш, Университетнинг тасдиқланган янги ташкилий тузилмасига мувофиқ

уларни юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда 2016 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлар параметрларига зарур ўзгартиришлар киритсин.

6. Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзили бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1-Тошкент педагогика коллежининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзили бўйича жойлашган биноларини бепул асосда, тасарруф этиш ҳуқуқсиз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига бериш-қабул қилишни бир ой муддатда таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2016 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг зарур қўшимча бинолари ва инфратузилма объектларини қуриш учун зарур марказлаштирилган капитал қўйилмалар ажратилишини таъминласинлар.

9. ТДПУ учун бинолар қуриш ва унинг балансига берилаётган тегишли биноларни реконструкция қилиш бўйича:

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси – буюртмачи этиб;
- «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» АЖ – бош лойиҳа ташкилоти этиб;
- «Қурилишбирлашмаси» АЖ – бош пудратчи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига 2017 йил 1 августгача қурилиш ишлари ва жиҳозлаш тугалланишини таъминлаган, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, қурилиш-монтаж ишларини бир вақтда лойиҳалаштириш шартларида амалга оширишга истисно тариқасида рухсат берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

*Тошкент ш.,
2016 йил 13 май, 153-сон*

2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги
153-сон қарорига

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университетини кўчириш ва унинг фаолиятини ташкил
этишни такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар
комплексини амалга ошириш бўйича комиссия таркиби**

Азизов У.Ў.	–	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи, комиссия раиси.
Закиров Б.И.	–	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари.
Ваҳобов А.В.	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазири.
Набиев Д.Х.	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари (келишув бўйича).
Хидоятлов Д.А.	–	Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси.
Хўжаев Б.А.	–	Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари.
Қўчқоров Ж.А.	–	Молия вазирининг ўринбосари.
Шаринов Ш.С.	–	Тошкент давлат педагогика университети ректори.
Камиллов М.М.	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи.
Онорбоев Б.О.	–	Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси, комиссия котиби.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2016 йил «20» май

№ 200

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги
153-сон қарори ҳамда қарор ижроси
юзасидан Назорат режа топшириқлари
бажарилишини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги 153-сон қарори ҳамда қарор ижроси юзасидан Назорат режа топшириқлари (01-07/1-318, 19.05.2016 й.) бажарилишини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги 153-сон қарори ҳамда қарор ижроси юзасидан Назорат режа топшириқлари (01-07/1-318, 19.05.2016 й.) ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 153-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги Ишчи гуруҳлар тузилсин:

- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг (кейинги ўринларда — Университет деб аталади) янги тузилмасига мувофиқ факультет, кафедра ва лабораторияларни жойлаштириш бўйича 1-Ишчи гуруҳ (1-илова);
- Университетни кўчириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича 2-Ишчи гуруҳ, (2-илова).

Ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиб бориш вазир ўринбосарлари М.Иноятов ва Б.Усмоновлар зиммасига юклатилади.

3.1-Ишчи гуруҳ; (М.Иноятов)га:

- жорий йилнинг 1 августига қадар Университетнинг янги ташкилий тузилмасига мувофиқ факультетлар ва кафедралар қайта ташкил этилиши ва жойлаштирилиши билан боғлиқ зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Университетнинг Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Ўқитувчи кўчаси, 103-уй манзилида жойлашган биноларини тасарруф этиш ҳуқуқсиз Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига бериш; Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзилига тасарруф этиш ҳуқуқсиз бепул асосда бериш, қабул қилишни таъминлаш;
- Университет учун қуриладиган ва унинг балансига берилган тегишли биноларни реконструкция қилиш бўйича белгиланган Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси - буюртмачи, «ЎзшахарсозликЛИТИ» АЖ – бош лойиҳа ташкилоти ва «Қурилишбирлашмаси» АЖ – бош пудратчилар билан тегишли ишларни амалга ошириш;
- Университетнинг янги ташкил этилаётган факультетлари, кафедралари ва аудиторияларини ўрнатилган тартибларда жиҳозлаш чораларини белгилаш вазибалари юклатилсин.

Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига 2017 йил 1 августгача қурилиш ишлари ва жиҳозлаш тугалланишини таъминлаш, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бир вақтда лойиҳалаштириш шартларида амалга оширишга истисно тариқасида рухсат берилганлиги инобатга олинсин.

4.2-Ишчи гуруҳ (Б.Усмонов)га:

- Университет талабалари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқа ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, бу жараёнга гуруҳ мураббийларини, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиларини жалб этиш;
- Университетнинг тегишли жиҳозларни Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзилига ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;
- оммавий ахборот воситаларида Университет фаолияти тўғрисида чўқишлар ташкил этиш вазибалари юклатилсин.

5. Тошкент давлат педагогика университети ректори (Ш.Шарипов)га:

- Университетнинг тегишли бўлинмалари ва факультетларини Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзилига жойлаштириш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилсин;
- **икки ҳафта муддатда** Университетнинг янги тузилмасига мувофиқ факультет ва кафедралар тузилмаси ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун вазирликка киритилсин;
- **бир ой муддатда** янгидан ташкил этилган, ўзгартирилган факультет ва кафедраларга раҳбарларни тайинлаш ҳамда профессор-ўқитувчиларни ўтказиш, ишга қабул қилиш тadbирлари ўрнатилган тартибларга мувофиқ амалга оширилсин;
- **икки ҳафта муддатда** тасдиқланган янги ташкилий тузилма ҳамда Қарор билан белгиланган асосий вазифаларга мувофиқлаштирилиб университет Устави ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун вазирликка киритилсин;
- **бир ой муддатда** қарорда белгиланган университет фаолиятининг асосий вазифаларини бажарилишини таъминлаш юзасидан «Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ўқув-илмийадабиёт ва меъёрий таъминот, халқаро ҳамкорлик, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини кўтариш, таълим сифатини таъминлаш, маънавий-маърифий, тарбиявий, АКТ ва моддий-техник базасини ривожлантириш ишлари борасида фаолиятини такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлар Дастури» ишлаб чиқилиб, университет Кенгашида тасдиқлансин.

6. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова)га Тошкент давлат педагогика университети Уставини тасдиққа киритиш вазифаси юклатилсин.

7. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукханов)га Тошкент давлат педагогика университети билан биргаликда Университетнинг янги тузилмасига мувофиқ штат бирликлари, шунингдек молиявий масалаларини ўрнатилган нормативлар бўйича кўриб чиқиш ва Молия вазирлиги билан келишиш вазифалари юклатилсин.

8. Вазир ўринбосари М.Иноятов, Тошкент давлат педагогика университети (Ш.Шарипов)га:

- Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй манзилидаги 1-Тошкент педагогика коллежининг биносини Университет балансига бепул асосда, тасарруф этиш ҳуқуқисиз ўтказиш жараёнида вазирлик ва Университетнинг мутасадди вакиллари иштирокини таъминлаш;

- Университет балансига ўтказилаётган мазкур биноларда университетнинг бўлинмалари, факультетлари ва лабораторияларини жойлаштириш, кафедра ва ўқув аудиториялари оптимал жойлашувини таъминлаш чораларини кўриш;
- **икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Университетнинг зарур қўшимча бинолари ва инфратузилма объектларини қуриш учун зарур марказлаштирилган капитал қўйилмалар ажратилиши бўйича таклифларни тайёрлаш вазифалари топширилсин.

9. Вазир ўринбосарлари (Б.Усмонов, М.Иноятов), бошқарма бошлиқлари (И.Маджидов, М.Комилов, К.Абулнийёзов, С.Бузрукхонов, Х.Султонов, Қ.Қуролов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова)ларга Фанлар академияси, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 153-сон қароридан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

10. Кадрлар бошқармаси бошлиғи (Д.Усмонов)га Университетнинг янги ташкил этилган, вазирлик ваколатига кирувчи тузилмалари бўйича лавозимларига номзодларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқилишини ташкил этиш топширилсин ва уларнинг белгиланган муддатларда шакллантирилиши жараёни назоратга олинсин.

11. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Б.Усмонов зиммасига юклатилсин.

Вазир в.в.б.

М. Иноятов

1-илова

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2016 йил 20-майдаги 200-сон буйруғига*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг янги тузилмасига мувофиқ факультет, кафедра ва лабораторияларни жойлаштириш бўйича 1-Ишчи гуруҳ таркиби

- | | | |
|-----------------|---|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. М.Иноятов | — | Олий ва ўрта махсус таълим вазири уринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари. |
| 2. И. Маджидов | — | Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи. |
| 3. Д.Усмонов | — | Кадрлар бошқармаси бошлиғи. |
| 4. Қ.Қуролов | — | Моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи. |
| 5. В.Ибодуллаев | — | Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бошлиғи. |
| 6. Ш.Шарипов | — | Тошкент давлат педагогика университети ректор. |
| 7. Д.Эргашев | — | Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори. |
| 8. А.Мўминов | — | Тошкент давлат педагогика университети молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректори. |
| 9. К.Гулямов | — | Тошкент давлат педагогика университети академик лицей ва каб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори. |
| 10. Р.Яркулов | — | Тошкент давлат педагогика университети ўқув услубий бошқарма бошлиғи. |
| 11. | — | Тошкент давлат педагогика университети кадрлар бўлими бошлиғи. |
| 12. | — | Тошкент давлат педагогика университети факультетлари деканлари. |

2-илова

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2016 йил 20-майдаги 200- сон буйруғига

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини кўчириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича

2-Ишчи гуруҳ таркиби

1. **Б. Усмонов** — Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари.
2. **Қ. Абулнїёзов** — Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
3. **М. Комилов** — Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи.
4. **Б. Қодиров** — Моддий-техник таъминот бўлими бош мутахассиси.
5. **Ш. Шарипов** — Тошкент давлат педагогика университети ректори.
7. **Д. Эргашев** — Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори.
8. **О. Куйсинов** — Тошкент давлат педагогика университети маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори.
9. **Ж. Тохиров** — Тошкент давлат педагогика университети илмий ишлар бўйича проректори.
10. — Тошкент давлат педагогика университети факультетлари деканлари.



Қ А Р О Р И

«24» мая 2016 г.

№ 174

Ташкент ш. - г.Ташкент

О мерах по закупке зарубежной учебной и научной литературы для системы высшего образования

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 12 июня 2015 года № УП-4732 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» и в целях повышения эффективности подготовки высококвалифицированных кадров в высших образовательных учреждениях Кабинет Министров постановляет:

1. Одобрить предложение Министерства высшего и среднего специального образования и Министерства финансов Республики Узбекистан о закупке по импорту, в порядке исключения, без проведения тендерных торгов зарубежной учебной и научной литературы 5864 наименований для высших образовательных учреждений республики по перечням, утверждаемым Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

Определить, что приемка, хранение и распределение среди высших образовательных учреждений зарубежной учебной и научной литературы, в том числе в электронной форме, на безвозмездной основе осуществляется Национальной библиотекой Узбекистана имени Алишера Навои – информационным ресурсным центром.

2. АО «Узсаноатэкспорт» и Национальной библиотеке Узбекистана имени Алишера Навои – информационному ресурсному центру:

- совместно с Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан в двухнедельный срок провести прямые переговоры по закупке зарубежной учебной и научной литературы с дистрибьюторскими компаниями и иностранными издательствами (авторами) зарубежной литературы, имеющими права на ее реализацию, с четким определением условий и сроков поставки;
- по результатам переговоров заключить контракты с соответствующими дистрибьюторскими компаниями и иностранными издательствами (авторами) на поставку зарубежной учебной и научной литературы, в том числе до 31 мая 2016

года учебной литературы 980 наименований для студентов I курса бакалавриата вузов, а также слушателей курсов переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров при 15 базовых высших образовательных учреждениях.

3. Освободить сроком до 1 января 2020 года от таможенных платежей (за исключением таможенных сборов) ввозимую АО «Узсаноатэкспорт» и Национальной библиотекой имени Алишера Навои – информационным ресурсным центром зарубежную учебную и научную литературу, в том числе в электронной форме, по перечням, утверждаемым Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

4. Министерству финансов Республики Узбекистан обеспечить выделение в 2016 году и последующие годы необходимых ассигнований для приобретения в рамках реализации настоящего постановления зарубежной учебной и научной литературы в пределах бюджетных средств, предусматриваемых по отрасли «Просвещение».

5. Рекомендовать Центральному банку Республики Узбекистан совместно с уполномоченным банком в установленном порядке обеспечивать конвертацию средств, выделяемых из Государственного бюджета Республики Узбекистан для приобретения зарубежной учебной и научной литературы, согласно представляемым заявкам АО «Узсаноатэкспорт» и Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои – информационного ресурсного центра.

6. Министерству внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан совместно с Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан и другими заинтересованными министерствами и ведомствами проводить системную работу, в установленном порядке, с международными финансовыми институтами и другими зарубежными донорами по привлечению иностранных грантов для приобретения зарубежной учебной и научной литературы для нужд высших образовательных учреждений республики.

7. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на первого заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С. Азимова и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан – руководителя Комплекса по вопросам молодежной политики, образования, культуры и спорта.

Премьер-министр Республики Узбекистан

Ш. МИРЗИЁЕВ

г. Ташкент, 24 мая 2016 г., № 174



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2016 йил «27» май

№ 212

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 174-сон қарори ижроси хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 174-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 174-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазир ўринбосари (Б.Усмонов), Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов), Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази (У.Бегимкулов), Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Қ. Абулنيёзов)га:

- икки кун муддатда олий таълим муассасалари ҳамда раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчилари учун назарда тутилган хорижий ўқув адабиётлари ҳақидаги маълумотларни «Ўзсаноатэкспорт» АЖга тақдим этиш;
- хорижий дистрибьюторлик компаниялари ҳамда сотиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий адабиётлар нашриётлари (муаллифлари) билан хорижий ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш юзасидан, етказиб бериш шартлари ва муддатларини аниқ белгиланган ҳолда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш

бўйича «Ўзсаноатэкспорт» АЖ ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорлик қилиш;

- музокаралар натижалари бўйича тузилган шартномалар асосида харид қилинган ўқув ва илмий адабиётлардан самарали фойдаланиш бўйича олий таълим муассасалари ҳамда раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорлари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ ҳамда худудий марказлари раҳбарлари:

- харид қилинган хорижий ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш бўйича Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази билан узвий ҳамкорлик ўрнатилсин;
- профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, магистрантлар ва талабалар ўртасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази орқали хорижий ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш имкониятлари бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилсин;
- бир ой муддатда олий таълим муассасаси эҳтиёжидан келиб чиқиб, хорижий ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш учун халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий донорлар билан хорижий грантларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин ва вазирликка тақдим этилсин.

4. Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Қ.Абулнӣёзов) Халқаро алоқалар бўлими (Ё.Иргашев) билан биргаликда олий таълим муассасалари эҳтиёжлари учун хорижий ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш учун халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий донорлар билан хорижий грантларни жалб этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан тизимли ҳамкорлик ишларини олиб борсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Б.Усмонов зиммасига юклатилсин.

Вазир в.в.б.

М. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
АХБОРОТНОМАСИ
1-сон**

**ВЕСТНИК
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
№ 1**

Номер лицензии АИ № 163. 09.11.2009. Подписано в печать 30 августа 2016 года. Формат 60×84¹/₁₆. Гарнитура Times TAD. Офсетная печать. Условных печатных листов 4,18. Договор № 174–2016. Тираж 1000 экз. Заказ № 207.

Отпечатано в отделе оперативной печати издательско-полиграфического творческого дома имени Чулпана Узбекского агентства по печати и информации. 100129, г. Ташкент, ул. Навои, 30. Телефон (371) 244-10-45. Факс (371) 244-58-55.

